O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 6 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 69 (7264)

Da'vat

Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш — биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

"Самарқандкитоб" АЖ янги ўқув йили арафасида дарслик ва ўқув қўлланмаларидан 220 миллион сўмлик олиб келиб сотди ва тушган фойдадан Булунғур тумани мактаблари учун 1 миллион сўмлик, Самарқанд шаҳридаги кутубхоналар учун 250 минг сўмлик, вилоятдаги меҳрибонлик уйлари учун 25 минг сўмлик китоблар ҳадя этишди.

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Halqimiz bayramni yaxshi ko'radi. Ana shunday ulug' ayyom kunlari yaqinlashgan sayin ko'chalarimizda odamlar gavjum bo'lib, joylarda tozalash, ko'kalamzorlashtirish, obodonlashtirish ishlari qizg'in tus oladi. Bu bejiz emas, albatta. Zero, xalqimizda har bir bayramga yangidan-yangi tashabbuslar, zafarlar, yutuqlar bilan kelish yaxshi odatga aylaniб qolgan. So'nggi paytda mamlakatimizda shakllaniб borayotgan yana bitta yaxshi an'analardan biri, bu har gal Mustaqillik bayrami arafasida tumanlaru shaharlarimiz ko'rkiga ko'rk qo'shadigan, yangi zamonaviy, go'zal inshootlarning foydalanishga topshirilishidir. Poytaxtimizning Sobir Rahimov tumanida qisqagina vaqt ichida yangidan barpo etilgan qurilish va milliy hunarmandchilik kasb-hunar kollejining tantanali ochilishi ham xalqimizning eng ulug', eng azizbayramiga munosib tuhfa bo'ldi, deb o'ylaymiz.

Respublika Mehnat vazirligi buyurtmasi asosida qad rostlagan ushbu ta'lim muassasasi mamlakatimizda milliy hunarmandchilikka yo'naltirilgan ilk kasb-hunar kollejlaridan biri hisoblanadi. Zamonaviy me'morchilik an'analari asosida barpo etilgan mazkur ilm maskani qurilishiga 1,5 milliard so'm dan ziyod mablag' sarflandi. Bu erda yosh yigit-qizlarimiz duradgorlik, parket, umumqurilish ishlari, santexnika jihozlari, gaz ta'minoti tizimi jihozlarini o'rnatish va ta'mirlash, zargarlik, naqqoshlik, ko'ch badiiy o'ymakorligi, milliy tikuvchilik yo'nalishlarida ta'lim-tarbiya oladilar.

Tashrifdan so'ng

(Davomi 2-betda)

Shodiyona

ТЎҚҚИЗ ЙИЛНИНГ ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

Шукурлар бўлсинки, юртимизда байрамлар кўп. Аммо энг улуғ, энг азиз байрамимиз битта. Бу — Мустақиллик куни. Истиқлолга эришганимизнинг тўққиз йиллигини нишонлар эканмиз, бу байрамимизнинг нақадар улкан, буюк, нақадар азиз, мукаррам эканлигини янада теранроқ англаб бормоқдамиз. Бу Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрам тантаналарини кўрганда, Президентимизнинг халқимизга йўллаган табригини эшитганда яққол намоён бўлди.

Тўққиз йил давомида эришган ютуқларимиз моҳиятини Президент Ислом Каримов давлатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида шундай ифодалаб берди:

"Бугун амалга оширган улуғвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз".

Ҳа, биз Катта йўлга чиқдик. Бу йўлнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Уларни енгиб ўтиш учун Президентимиз таъкидлаганидек, "... биз аввало ўзимизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нималар тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўлларини яққол тасаввур қилишимиз зарур".

Бу борада бизнинг улуғ аждодларимизнинг авлоди эканлигимиз, дунёга татийдиган бебаҳо мерос, шонли ва буюк тарихга эгалигимиз, улардан туядиган миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларимиз йўлчи юлдуз бўлиб туради. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталар экан, жумладан шундай деди: "Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш — биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга".

Барчамизнинг эски кишанлар асоратларидан тезроқ қутулиб, янгиликка интилувчан, юртимиз равнақига ҳисса қўша оладиган, тараққиёт учун курашувчи инсонлар бўлишимиз лозимлигини таъкидлар экан, Президент яна "ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбияси"га алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундай улуғ байрам тантанасида яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилди. Бу лоқайдлик, бепарволик, беғамлик иллатларидан халос бўлиб, доимо ҳушёр, огоҳ бўлиш масаласидир. Теварак-атрофимизда бўлаётган воқеалар бизни янада ҳушёр бўлишга, огоҳ бўлишга ундаганлиги таъкидланди.

Табрик сўзида Президентимиз ёшлар масаласига қайта-қайта тўхталар экан, уларга шундай мурожаат қилди:

"—Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзуларингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эркин озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир".

Дарҳақиқат, Ватан озодлиги, унинг фарзандлари ҳурлиги, эркини ҳимоя қилиш келажакни муҳофаза қилиш демакдир. Теран тарихий томирларга эга, уларга асосланиб ёрқин келажак сари интилаётган, курашаётган халқ, миллатни ўз йўлидан қайтариш мумкин эмас. Хомхаёллар, илдизсиз орзулар оғушидагилар буни яхшилаб уқиб олишлари лозим.

Сўзимиз бошида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонимизнинг байрамлари кўп. Мустақиллик байрамимиз, мана, ҳар йили байрамлар байрами сифатида нишонланмоқда. Иншоолло, истиқлолнинг ўн, йигирма, эллик, юз йилликларини ҳам фахру ифтихор ила нишонлаяжакмиз. Барчамизни шундай эзгу ниятларимизга етиштирсин!

Sessiya

ТЎЙ АРАФАСИДА

Халқимиз энг мунаввар кун — Истиқлолнинг 9 йиллик тўйини нишонлаш арафасида яна бир муҳим сиёсий жараённинг шоҳиди бўлди. 2000 йил 30-31 август кунлари Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Мажлислар залида йиғилган депутатлар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпусининг вакиллари, чет эл ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари Юртбошимиз таклифига кўра террорчиларга қарши операциялар жараёнида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари хотирасини сукут сақлаш билан ёдга олди. Йиғилишни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди. Икки кун давом этган сессия ишида янгиланиб бораётган жамиятимиз, халқимиз ҳаётига дахлдор бўлган, унинг порлоқ истиқболига ҳуқуқий асос бўладиган 9 та қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Шунингдек, Парламент "Жалолиддин Мангуберди" орденини — Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий мукофотини таъсис этди. Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярмидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Ўзбекистон Республикаси имзолаган бир қанча халқаро шартномалар ҳамда битимларни ратификация қилди ва бошқа ташкилий масалаларни кўриб чиқдилар. Олий Мажлис қошидаги ёшлар ишлари комиссияси ёшлар ишлари қўмитасига айлантирилди, қўмита раиси этиб депутат Азамат Зиё Ҳамид ўғли сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз сўз аввалида Она-Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги йўлида жон фидо этган ўғлонларнинг ота-оналарига, оила аъзоларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этди. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз билан абадий яшашини таъкидлади. Мамлакат раҳбари ўз нутқида чегара ҳудудларидаги бугунги вазият, ёвуз ниятли босқинчиларнинг асл қиёфаси, улар кўзлаган мақсад ва бу йўлдаги чиркин, қабиҳ "фаолият" масалаларига кенг тўхталди. Аниқ маълумотларга асосланган, чуқур таҳлил этилган хулосаларини баён этди. Токи миллатлар, халқлар иқболига, истиқболига раҳна солувчи кучлар бор экан, барчамиз огоҳ бўлишимиз, сергак бўлишимиз кераклигини ва қандай қилиб ана шундай кучларга қарши туриш мумкинлигини атрофлича изоҳлаб бердилар.

Ушбу фикр-мулоҳазалар бугун мактаб партасида ўтирган келажак эгалари ва улар билан ишлаётган таълим тизими ходимлари учун қимматли манба бўлади, шубҳасиз. Марказий матбуот саҳифаларида эълон қилинган маъруза матни ҳар биримиз учун эртамизни теранроқ кўриш, бугунимизни чуқурроқ ҳис этиш ва кечаги кунимиздан мукаммал хулосалар чиқаришимизга, энг муҳими адашмаслигимиз учун асос бўлади.

Ф. КАРИМОВ

ОРЗУЛАР ҚАНОТЛАНГАН КУН

Уч ойлик ёзги таътил тугаб, илм масканлари яна ўғил-қизлар билан гавжум бўлди. Жумладан, Яккасарой туманидаги 319-мактабда "Биринчи қўнғироқ" тадбири катта шодиёнага айланиб кетди. Гап шундаки, мактабга илк бор қадам қўйган 110 нафар жажжи ўғил-қизлар самимий қутланиб, уларга 11-синф ўқувчилари совғалари ҳам топширилди. Сўнгра мактаб раҳбарияти, маҳалла фаоллари, тантанага ташриф буюрган меҳмонлар йиғилганларни қўшалоқ байрам — Мустақиллик ва Билимлар куни билан табрикладилар. Бундай ўзига хос учрашув фарзандлари қатори ота-оналарни ҳам таъсирлантирди.

— Бугун орзуларим қанот ёйган кун, — деди Жуманиёз Мирзаев. — Чунки ўғлим Даврон мактаб остонасига илк бор қадам қўяяпти. Ҳозир Даврон ҳаяжонланаяпти, унга қўшилиб мен ҳам. Фарзандим назарида, мактаб — муқаддас даргоҳ. Ишқилиб, унинг бу ишончига, кичик бир таассуротига путур етмасин.

— Қизим Нилуфарни устозлари қўлига топширсак-да, барибир дадаси билан бирга кузатиб турибмиз, — деди Раъно Раҳимова. — Эплаб кетармикин?..

Ота-оналарнинг фикрларини эшитар эканмиз, гўё улар учун фарзандлари эндигина атак-чечак қилаётгандек, ҳаяжонда эдилар. Шу аснода кўз ўнгимизда муаллимлар сиймоси бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Муаллим — ўқувчи ҳаётидаги имконият, деган фикр хаёлимиздан ўтади. Бу ҳақиқатни ота-оналар мактаб ҳаётининг кейинги жараёнларида ҳам англаб етсалар, нур устига нур, шу билан бирга орзулар ушалган бўлур эди.

Мулоҳазаларимизга ҳамоҳанг ҳолда ўғил-қизларни машғулотларга чорлаб, илк қўнғироқ жаранглади. Ўқувчилар саф тортишиб, синф хоналарига йўл олишди. Барча синфларда Мустақиллик дарси бошланиб кетди.

— Мустақиллик дарси режасини жамоа билан атрофлича фикрлашиб, илғор ўқитувчилар кўмагида баҳамжиҳатликда туздик, — деди мактаб раҳбари Муқаддас Аъзамова. — Токи биринчи дарс мазмун моҳияти билан ўқувчи онгги, шууридан ўрин олсин!

Биз бошланғич синф ўқитувчиси Зумрад Мадиримова дарсида бўлдик. Синф мустақил Ўзбекистон ҳаётини акс эттирувчи расм ва плакатлар, Давлат рамзлари билан безатилган эди. Дарс суҳбат усулида — савол-жавоблар тариқасида ўтказилди.

— Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, Ватан — Она муқаддаслигини, ягоналигини, шунингдек, она-юртга фидоий фарзанд бўлиш бурч эканлигини англатишни мақсад қилиб олгандим, — деди муаллима. — Албатта, бу каби тушунчаларни кейинчалик ҳам ўқув йили давомида кенгайтириб бораман. Зеро, Ватанни севиш ҳар биримиз учун фарз бўлиб қолмоғи даркор.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Istiqlol ma'rifati

"ЭСКИ МАКТАБ" ҲИКМАТЛАРИ

Ўзбекона тарбиянинг турли қирралари улкан адибларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримқул Қодиров ва бошқаларнинг тарихий асарларида гўзал манзараларда тасвирланган. Абдулла Қодирий томонидан "Ўткан кунлар"нинг "Ўзбеклар турмушидан тарихий рўмон" дея аниқлаштирилиши ҳам адибнинг миллий заминдаги қатъияти мисолидир. Асарнинг миллий тарбиявий мазмунини атоқли олим М.Қўшжонов шундай баён қилади:

(Давоми. Боши газетамизнинг 67-сонида)

Муҳаммад ҚУРОНОВ

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ОЛАМИ

УЧИНЧИ МАҚОЛА

"... А.Қодирий ўзбекни ўзбекдай кўрсатди. Бир зум у яратган етакчи образлар — Отабек, Кумуш, Анвар ёки Раъно характерлари тасвирланган муҳитни ўзгартириб, уларни бошқа ном билан атаб кўринг. Биринчидан, муҳит ёт бўлади, номлар мос тушмайди... Иккинчидан, қандай муҳитда кўрсатманг ва қандай ном қўйманг, улар фақат Шарқ, яъни ўзбек фарзандлари экани кўриниб туради..."

Ўзбек миллий тарбия тарихи ривожланишида Аҳмад Яссавийнинг "Чор китоб"и, Сўфи Оллоёр ва «Ҳафтияк», Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Китоб ул-атфол", Саидрасул Азизийнинг "Устози аввал", Абдулла Авлонийнинг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ", Абдуқодир Шакурийнинг "Жоме-ул ҳикоят" ва Ризоуддин ибн Фахриддин, Фахру-л Банот, Алий Назимо ва бошқа мутафаккирларнинг асарлари катта роль ўйнади. Бу мактабларга миллий тарбиявий руҳ киритди.

Туркистон мактабларида тарбия миллий хусусиятга эга эди. Яъни болаларни Туркистон шароитида, муҳитида яшашга тайёрлаш, ахлоқ-одоб, муошаратга ўргатиш эди. Шу мақсадда мактабларда миллий-диний ахлоқ қоидалари машқ қилдириб ўргатилар эди. Ҳайит кунлари дарслар тўхтатилиб, ўқувчилар байрамда қатнашишга тайёрланган. Барча мактабларда муомала, тавозеъ қоидалари махсус ўргатилар эди. Ўқувчиларда эътиқодни, иймонни шакллантириш учун уларга ҳар бир ёмонликнинг икки томонлама — бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта жазоланиши уқтирилган.

Мактаб муаллимида учта — узунлиги уч хил хивич бўлган. Шўро педагогикаси бизга хивичлар болаларни уришга мўлжалланган қурол бўлган, деб «уқтириб» келди. Ваҳоланки, бу хивичлардан фойдаланишдан асосий мақсад тамоман бошқа бўлган: мактабларда таълим индивидуал (якка) ёндашув асосига қурилган. Яъни синф-мактабда нечта бола ўқишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири ўз имкониятига хос ва мос — якка дастур асосида ўқитилган, ҳозирги маънодаги "синфдан синфга кўчириш" бўлмаган. Ҳамма учун умумий мавзу, ҳамма учун ягона даража ўрнатилмаган. Таълимнинг "оз ва соз"лиги унинг сифатини оширган. Муаллим бирор ўқувчидан дарсни сўраса, у албатта ўзи ўрганаётган индивидуал дастур бўйича жавоб берган.

(Давоми 3-бетда)

JUMLADA JAHON

Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарига ва халқимиз номига дунёнинг кўпгина давлатлар бошлиқларидан ҳамда халқаро ташкилотларидан табрик номалари ҳамон келиб турибди.

• Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида Москвадаги "Дрофа" нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилган "Узбекская модель развития: мир и стабильность — основа прогресса" (М. Гафарли, А. Касаев) деб номланган китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

• Ҳиндистон ташқи ишлар вазири жаноб Жасвант Сингх Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига жангари гуруҳларнинг террорчилик фаолияти билан боғлиқ мактуб йўллаб, жумладан шундай деди: "Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалларини тўла қўллаб-қувватлайди".

• Исроил бош вазири Ёҳуд Баракнинг мамлакатдаги диний ишлар вазирлигини тугатиш қарорига келганлигига муносабат билдириб бош руҳоний Меир Лау ислоҳотларнинг бу қисми кўпроқ сиёсий ўйиндан дарак бераётганлигини, бироқ дин ва сиёсат бир-бири билан яхши чиқиша олмаслигини рад қилмаслигини айтди.

• Европа қитъасининг бир неча мамлакатларида янги пул бирлиги — еврони муомалага киритишга 500 кунча вақт қолган айни паллада Германия банклар уюшмаси федерал ва маҳаллий ҳукуматлардан молиявий муассасаларга зарур ёрдам кўрсатишини илтимос қилмоқда.

Биз компьютер хонасида ўтирган эдик, Президентимиз дарсимизга кирди. Ҳаммамиз ҳаяжонланиб кетдик. Юртбошимиз биз билан жудаям самимий суҳбатлашдилар.

Мамлакатимиз бўйлаб барчани бирдек интиқ қилган дамлар — ўқув йилининг бошланиши ҳар бир ўқув муассасасида янги орзу-умидлар, интилишларни намоён этди.

Ma'rifat

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2 сентябрь куни ана шу илм даргоҳига қадам қўйиб, коллеж тарихида ўчмас из қолдирди. Ана шу ташрифи давомида Президентимиз мамлакатимиз келажаги айнан ана шундай замонавий билим масканларида таълим оладиган ёшларимиз қўлида бўлишини яна бир бор таъкидлаган эдилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мазкур коллежга ташриф буюриши, умуман, мамлакатимизда ёшларнинг жаҳон талабларига мос таълим-тарбия олишлари учун ана шундай кўплаб замонавий биноларнинг қурилиши, уларнинг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланиши, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган барча шарт-шароитлар жойларда ташкил этилаётган янги академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари жамоалари, жумладан, Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи жамоаси олдига ҳам жуда катта масъулият юкламоқда. Бу хусусда коллеж талабалари фикрларини тинглаб кўрайлик.

Равшан Аллаберганов, 3-газ таъминоти гуруҳи талабаси:

—Бугун биз учун ҳаяжонли ва унутилмас кун бўлди. Чунки мана шундай замонавий касб-ҳунар коллежи бизга тақдим этилди. Шахсан ўзим коллежда Президент билан учрашишимни, гаплашишимни ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим.

Президент билан учрашувда мен барча талабалар номидан сўзга чиқдим ва бизга яратилаётган мана шундай имкониятлар учун Президентимизга миннатдорчилик билдирганимдан ғурурланаман.

Зиёвуддин Абдукаримов, 6-дурадгорлик гуруҳи талабаси:

—Мен мактабда ўқиб юрган давримда мана шундай гўзал бинода ўқийман, замонавий коллеж талабаси бўламан, деб ҳеч ўйламаган эдим. Коллежимиз жудаям кенг, ёруғ. Бу ерда теннис корти, баскетбол, волейбол, футбол майдонлари, қолаверса, ҳар бир ўқув хонасининг замонавий шаклда жиҳозланиши бизнинг билим олишга қизиқишимизни орттиради, деб ўйлайман. Келажакда яхши мутахассис бўлиб етишиб, Ўзбекистонимизнинг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз, деб ваъда берамиз.

Дилноза Магдиева, 1-заргарлик гуруҳи талабаси:

—Президентимизнинг меҳрибончиликлари, оталарча ғамхўрликларини биз, ёшлар, ҳеч қачон унутмаймиз. Юртбошимизнинг Мустақиллик байрами арафасида мана шундай туҳфаси бизга катта масъулият юклайди. Биз бундай ишончни оқлашга, билим чўққиларини эринмай эгаллаб, Ўзбекистонни бутун дунёга танитишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Муниса Юсупова, 5-тикувчилик гуруҳи талабаси:

—Биз ойнаи жаҳон орқали чет эл ёшларининг замонавий ўқув биноларида таълим-тарбия олаётганликларини кўриб, уларга жудаям ҳавас қилардик. Биз ҳам ана шундай замонавий таълим даргоҳларида қачон ўқир эканмиз, деган орзуларимиз бўларди. Мана бугун ушбу орзуларимиз ушалаётир десак ҳам бўлади. Мен кичкина пайтимданоқ тикувчилик касбини ёқтирардим. Коллежимизда ўқитувчиларимиз замонавий асбоб-ускуналарда, жумладан, машҳур "Пфафф зингер" фирмаси машиналарида, компьютерлар ёрдамида бизни тикувчилик сирларидан воқиф этарканлар.

Нилуфар Турсунова, 5-тикувчилик гуруҳи талабаси:

—Мен бу коллежда ўқисам, Президент билан учрашаман деб ҳеч ўйламагандим. Давлатимиз раҳбари 2 сентябрь куни коллежимизнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Сўнг биз компьютер хонасида ўтирган эдик, Президентимиз дарсимизга кирди. Ҳаммамиз ҳаяжонланиб кетдик. Юртбошимиз биз билан жудаям самимий суҳбатлашдилар. Бизга саволлар бердилар. Биз жавоб бердик. Ишонаманки, янги ўқув йилида биз каби таълим олаётган барча тенгдошларимиз Юртбошимизнинг, давлатимизнинг ёшларга бўлган бундай эътиборидан, яратилаётган имкониятларидан самарали фойдаланади ва келгусида юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшади.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири
Дилшод ЮСУПОВ
(ЎзА) олган сурат.

АССАЛОМ, НУРХОНА !

Ассалом, мактабим - улуғ кошона !
Ассалом, жон-таним -Ватаним -она!
Мен сени соғиндим юрак-юракдан —
Нақадар азизсан офтоб- нурхона!

Иссиқ бағринг қўмсаб талпинар қалбим,
Номингни такрорлаб пичирлар лабим.
Умрим дебочаси илк ҳаёт даврим —
Сен чексиз қувончим, сен асал-қандим!

Ҳаёт деб аталмиш энг азиз неъмат,
Сенда қарор топгай истиқбол зийнат!
Заҳматкаш устозлар қалби қўридан
Ёниқ муфассалдир ҳикмат, фазилат!

Истиқлол даврининг гулбоғи — мактаб,
Буюк келажакнинг чароғи — мактаб.
Ҳар ўғил, ҳар қизга ҳаводай зарур,
Бокира туйғулар булоғи — мактаб!

Ассалом, мактабим — муқаддас даргоҳ,
Ассалом, устозлар — касб-кори сабоқ!
Ассалом, дўстларим — менга қўш қанот,
Синфдош! Ҳаётга ишонч билан боқ!...

Абдуманноб ТОЖИЕВ

ИЛК САБОҚ МАСЪУЛИЯТИ

Сентябрь ойида икки байрам нишонланади: бири қутлуғ Мустақиллик куни бўлса, иккинчиси, гарчи бу тақвим (календар)да қизил билан белгилаб қўйилган бўлмаса-да, талабалар, ўқувчилар, қолаверса, устозлар учун азиз бўлган 2 сентябрь — ўқув йилининг илк куни. Шу кунни барча устозлару шогирдлар интиқлик, қувонч ила кутиб олишади. Бу кун ҳар бир ўқув юртида ўзига хос тарзда нишонланади. ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультетидаги ўқув йилининг илк кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турди.

Ушбу йиғилишни факультет декани Сайди Умиров очиб берди. Сўнг ЎзДЖТУ проректори, профессор Гуландом Боқиева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси, таниқли сиёсатшунос Нарзулла Жўраев ва факультетнинг етакчи талабалари сўзга чиқишди. Улар талабаларни келажакда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари учун ўқишга масъулият билан ёндашишга ундадилар.

Бу борада Нарзулла Жўраевнинг чорловларига қулоқ тутиб кўрайлик: "Азиз талабалар, сиз келажакда Ватанимиз — Ўзбекистонни оламга танитадиган, жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисаларни эса илк манбадан тезкор, сифатли тарзда ватандошларимизга етказиб берувчи етук халқаро журналистлар бўлишингиз шарт. Шунинг учун сиз нафақат журналистиканинг сирсиноатлари, балки даставвал юртимиз, қолаверса, жаҳон тарихини мукаммал билишингиз зарур!".

Анжумандан сўнг Мустақиллик дарси бўлиб ўтди. Унда миллий мафкура концепциясини тузиш ҳақида фикр юритилди. Дарс талабалар ва домлалар ўртасидаги мунозара тарзида ўтди. Бундан ташқари устозлар шогирдларига халқаро терроризм, Ўзбекистон тинчлигига таҳдид солаётган дин ниқоби остидаги бир гуруҳ газандалар "фаолият"и ҳақида тушунча беришди, талабаларни бундай газандалар таъсиридан нарироқ юришга ва доимо огоҳ бўлишга чақиришди.

Жамшид САЪДИНОВ

МУҚАДДАС ИШ

Истиқлол юртимизда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу вақтга қадар юртимизда кўплаб истиқлол иншоотлари — илм масканлари қуриб битказилди ва ишга туширилди. Мамлакатимизнинг тўққиз йиллик тўйи арафасида Қашқадарё вилояти Китоб туманида ана шундай янги илм маскани ишга туширилди. Тумандаги фидойи инсон Мухтор Шапсановнинг шахсий маблағи эвазига қўрилган Индра Ганди номидаги мактаб таркибида Тўхта Шоимова номи билан аталган янги чуқурлаштирилган мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ташкилотчи Мухтор Шапсанов бош ҳомийлигида барпо этилган ушбу мактаб биноси қурилишида "Наврўз" ижара хўжалиги (раҳбари Т.Шаропов)нинг ҳам хизмати катта бўлди. Ижара хўжалиги қурилиш материаллари билан бу эзгу ишга кўмак берди. Шунингдек, қурилиш жараёнидаги ҳашарда маҳалла аҳли ва хўжалик ишчи-хизматчилари ҳам фаол қатнашишди. Бирдамлик билан ўтган қурилиш жараёни 48 кунда якунланди.

Мактабнинг очилиш маросимида туман халқ таълими бўлими мудири Ашур Қурбонов сўзга чиқди ва Холмурод Ирманов раҳбарлигидаги мактаб жамоасини янги ўқув йилидаги янги бинода ўқувчиларга янги шижоат билан таълим бериш лозимлигини айтди. Шунингдек, маҳалла оқсоқоли Карим бобо Комилов ва Муродилло бобо Муқимовлар ҳам янги бинонинг қурилиши ҳамда унинг афзаллиги хусусида гапирдилар.

Мактаб биносининг очилиш маросимида туман маданият бўлими санъаткорлари ҳам қатнашиб, концерт дастурини намойиш қилдилар.

Мухбиримиз.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги 105-умумтаълим мактабида ҳам янги ўқув йили очилишига бағишланган катта тантана ўтказилди. Унда барча синф ўқувчилари синфма-синф сафланишиб, 130 нафар янги қабул қилинган болаларни кутиб олишди. Ва уларга тантанали равишда "Президент совғалари" топширилди.

— Бу йил ўтган йилга нисбатан 30 нафар кўп ўқувчи қабул қилдик, — дейди мактаб раҳбари Мирзааҳмад Комилов. — Қувончлиси, бизга бошқа ҳудуддаги ота-оналар ҳам фарзандларини олиб келишяпти. Бундай ишончдан бошимиз осмонга етаётир.

Тадбирда юқори синф ўқувчилари ҳам устозларига, ҳам 1-синф ўқувчиларига ўз совғаларини тақдим этдилар. Давра бўйлаб "Биринчи қўнғироқ" жаранглади. Барча синф болалари Мустақиллик дарсидан сабоқ олиш учун ўз синфхоналарига йўл олдилар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ

Суратда: мустақиллик дарси жараёни акс этган.
Муаллиф олган сурат.

ЯНГИ ШИЖОАТ БИЛАН ЯНГИ АСР САРИ

Мамлакатимиз бўйлаб барчани бирдек интиқ қилган дамлар — ўқув йилининг бошланиши ҳар бир ўқув муассасасида янги орзу-умидлар, интилишларни намоён этди. Шу кунларда ҳар бир хонадоннинг қувончу шодликлари мактабларга кўчгандек гўё. Айниқса, илк бор мактаб остонасини ҳатлаб, билимлар сари қадам қўйган 1-синф ўқувчилари ҳаяжонларини ошкора зоҳир этиб туришибди. Улар учун барча ўқув адабиётлари ва қўлланмалари Президентимиз томонидан туҳфа этилганлиги ҳар бирида чексиз ифтихор туйғусини, астойдил ўқиш ҳиссини уйғотади, албатта.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 300-лицей-мактабда ҳам янги ўқув йили бошланиши муносабати билан катта байрам дастури ўтказилди. Юртимиз мадҳияси ижро этилгач, мактаб раҳбари Дилшода Абдуназарова барчани янги ўқув йили билан қутлади. Шундан сўнг, "Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!" қўшиғи оҳанги остида битирувчи синф ўқувчилари 1-синф ўқувчиларини синфхоналарга етаклашди. Мактабнинг 1-синфига қабул қилинган 308 нафар ўқувчиларга эса синфхоналарда Президент совғалари топширилди.

Мактаб остонасига илк қадам қўяётган жажжи болажонларнинг келажакка ҳайрат билан боқиб турган чақноқ кўзларига қараб, ҳадемай, улар юртимизнинг фидойи, асл фарзандларига айланишига ишончимиз ортди.

Биринчи қўнғироқ янграгач, биз мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилором Ҳайдарова раҳбарлигидаги 6-"А" синфнинг Мустақиллик дарсида қатнашдик. Ушбу дарсдаги ҳар бир саволжавоб ИЛМ ва ИЛМСИЗЛИК ҳамда уларнинг жамиятга таъсири тарзида бўлди.

Шерали НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Oliy o'quv yurtlarida

Икки ойлик ҳордиқдан сўнг, олий ўқув юртлари — институт ва университет аудиториялари ҳам талабаларга тўлди. Галдаги ўқув йили айрим ёшлар учун одатий ҳисобланса-да, кўпчилик йигит-қизлар учун талабалик қувончи билан бошланди.

Янги 2000-2001 ўқув йилининг илк куни Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланганлиги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда электротехника алоқа институтларида ҳам кузатилди. Албатта, яхши жиҳатлари билан.

ҚУТЛОВ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалигига қабул қилинган 711 нафар йигит-қизларнинг қувончлари бир олам эди. Бу бахтга етолмасдан армонда қолган ёшлар қанча?

Институт ректори Ҳалима Алимова ўқув даргоҳи ҳовлисига йиғилган талабаларни янги ўқув йилининг бошланганлиги ҳамда Мустақиллик байрами билан қутлади. Шундан сўнг 1-курс талабаларига рамзий кўринишдаги гувоҳнома ва билимлар калити топширилди.

Давлат мадҳияси янграб, юракларга фақат мустақил Ўзбекистон фуқаросига хос ажиб туйғулар сингди. Бунинг мантиқий давоми эса биринчи ва иккинчи жуфтлик соатларида Президентимизнинг "Fidokor" газетаси мухбири саволларига жавоблари"ни таҳлилий ўрганиш билан боғланиб кетди.

Ўша куни 21 та гуруҳга жипслашган 1-курс талабалари ва бошқа босқичдагилар мустақиллик шукуҳини яна бир бор дилдан туйдилар.

ИБРАТДАН БОШЛАНГАН ДАРС

Тошкент электротехника алоқа институти маънавият ва маърифат маркази, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома август ойининг охирларидаёқ барча профессор-ўқитувчиларга тарқатилган эди. Республика мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган илк сабоқлар ўша куни ана шу йўриқнома асосида ташкил этилди.

Мазкур институтнинг собиқ талабаси, марҳум Бобуржон Ғаниевнинг ёрқин хотираси институт жамоаси томонидан бир дақиқа ёдга олинди. Махсус алоқа факультетини бу йил битириб чиққан Бобуржон Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини қора кучлардан ҳимоя қилишда мардларча жон берган. Зеро, халқ осойишталиги учун ҳалок бўлган, мустақилликни асраш йўлида жонини фидо қилган ўғлонларнинг хотираси абадийдир.

МУХБИРИМИЗ

МИЛЛИЙ ИФТИХОР БАЙРАМИ

Она юртимиз бўйлаб Истиқлолнинг 9 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда.

Тошкент шаҳридаги 5-бизнес мактабида ҳам янги ўқув йили энг азиз, энг улуғ байрамни тантанали нишонлаш билан бошланди. Ушбу йиғилишда 600 дан ортиқ ўқувчи-талабалар ва уларнинг ота-оналари фаол қатнашдилар.

Тантана ўқувчиларнинг байрамона сафланишидан бошланди. Ўзбекистон Республикаси гимни садолари бутун майдон узра янгради, мустақил диёр давлат байроғининг ҳилпираши эса йиғилиш иштирокчиларига ғурур ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Даврада Ўзбекистон Республикасининг 9 йил давомида эришган ютуқлари, гўзал табиати, муқаддас тарихи ҳақида шеърлар янгради, қувноқ ашула ва рақслар ижро этилди.

Ушбу тантана билан ўқувчи-талабалар, ота-оналар ва биргаликда ёш ниҳолларни тарбиялашда елкадош бўлган ҳамкасбларни мактаб директори Исмоил Худойқулов энг илиқ, самимий тилаклар билан табриклади.

Байрамона йиғилишда Сурхондарё вилоятида Ватанимиз ва халқимизнинг озодлиги ва тинчлигини ҳимоялашда шаҳид бўлган ҳар бир Ватан ҳимоячиларининг исмлари бирма-бир тилга олинди, уларнинг хотираси бир дақиқа сукут сақлаш билан ёдга олинди.

Сўнг 5-бизнес мактаби педагогик жамоаси ва ўқувчи-талабалар Ўзбекистон халқига, айниқса, ёшларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Заҳро АҲМЕДОВА,
маънавий-маърифий ишлар бўйича директорнинг 1-ўринбосари



2 сентябрь куни мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари қатори Тошкент шаҳридаги 17-мактабда ҳам Мустақиллик дарслари ўтказилди.
Суратда: Илм остонасига дастлабки қадамларини ташлаган болакайларга олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Раҳматуллаева "Мустақиллик дарси"ни ўтмоқда.
А.ТЎРАЕВ олган сурат.

"АЛПОМИШ" ЭКРАН ЮЗИНИ КЎРДИ

Yangi film taqdimoti

Ўзбек кино санъати яна бир янги фильм билан бойиди. Истиқлол туфайли бағримизга қайтган, фахр ва ғуруримиз бўлган "Алпомиш" достони экран юзини кўрди.

Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида фильм ижодкорлари иштирокида тақдимот маросими ўтказилди. Икки қисмдан иборат бўлган бадиий фильмнинг бош режиссёри Ҳабибулла Файзиев, сценарий муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, фильмни бош қаҳрамони, каратэ бўйича жаҳон чемпиони Азамат Қаландаров ушбу кино асарининг яратилиш жараёни хусусида сўзладилар.

— Эътиборли жиҳати шундаки, фильм қисқа вақтда, икки йил ичида экранга олиб чиқилди. Табиийки, бу ижодкорлардан катта маҳорат ҳамда масъулиятни талаб этди, — деди Усмон Азим "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. — "Алпомиш" дунёдаги барча эпослар каби улуғвордир. Унинг улуғлиги шундан иборатки, достон доимо бирлашишга, Ватан шаъни учун курашиш ва адолатни қарор топтиришга чорлайди. Бугунгача яратилган ўзбек кинолари орасида ватанпарварлик руҳи "Алпомиш" фильмида энг юксак чўққига кўтарилгандир.

Биз машҳур кинорежиссёр Наби Ғаниев талқинида "Алпомиш"ни кўришни хоҳлаган эдик. 70-йилларнинг охирида Темур Малик Юнусов билан ҳамкорликда қилган ҳаракатларимиз ҳам "Алпомиш"ни экранга олиб чиқаолмади. Ҳатто достонни ўқишни таъқиқланган пайтлари бўлди.

Кўп йиллик орзуларимиз мустақиллик туфайли ушалиб, ўтган йили "Алпомиш" достони яратилганининг 1000 йиллиги катта байрам қилинди. Мустақиллигимизнинг 9 йиллигида эса мана, "Алпомиш" бадиий фильми дунёга келди.

"Туркистон-пресс"

Қичқириш ўрнига домла учта, турли узунликдаги хивичдан фойдаланган: калта хивич учини — олдиндаги, ўртача узунликдаги хивич учини — ўрта қатордаги, узун хивич учини — охирги қаторда ўтирган исталган болага тегизиб, уни ёнига чорлаган ва дарсни сўраб, текширган.

«Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 150 га яқин ўқувчининг ҳар бирига муайян миқдорда пул мукофоти ҳам байрам совғаси сифатида тақдим этилди.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ОЛАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳар бир ўқувчининг ўз дарсини баланд овоз билан ўқиши натижасида синфда доимо шовқин ҳукм сурган. (Бу ҳатто узоқдан ҳам эшитилиб турган). Натижада домла бирор ўқувчини чақириб, ундан дарсни сўраши учун қаттиқ қичқириб туришига тўғри келган. Қичқириш ўрнига домла учта, турли узунликдаги хивичдан фойдаланган: калта хивич учини — олдиндаги, ўртача узунликдаги хивич учини — ўрта қатордаги, узун хивич учини — охирги қаторда ўтирган исталган болага тегизиб, уни ёнига чорлаган ва дарсни сўраб, текширган.

Туркистон мактабларининг собиқ ўқувчилари мактабларда ўқувчилар сонининг кўп бўлганлигини кўрсатувчи далилларни келтирадилар. Масалан, С.Айний ўзининг ўқувчилик даврини эслаб, "... Бу вақтда у мактабхонада қанча бола ўқиганлиги эсимда йўқ. Фақат шуни эслайманки, у вақтда уч юз уйлик қишлоғимизнинг тўрт яшардан ўн икки яшарга қадар бўлган барча болалари шу мактабнинг шогирди ҳисобланарди.", -деб ёзади "Эски мактаб"да.

Бу эса XIX асрда ҳам нафақат ўқувчиларнинг, балки мактабларнинг ҳам сони кўп бўлганлигини, собиқ совет педагогикаси тарихи китоблари бу ҳақиқатнинг юзига парда тортганлигини кўрсатади.

Ўзбек қизлари тарбияси билан оналар шуғулланишган. Фарғонада бундан бир аср илгари ўзбек қизларини миллий тарбиялаш қандай кечганлиги ва бу уларнинг хатти-ҳаракатларида қандай намоён бўлганлиги ҳақида қизиқарли хотиралар бор. Хорижлик тадқиқотчилардан бирининг ёзишича, "Ўзбек қизлари болаликдан бошлабоқ ўз хатти-ҳаракатларидан хабардор, ўзини-ўзи назорат қила бошлайди. Гарчи у тез, елиб югуришни истаса-да, адаблилик унга шахдам қадам ташлаш, қўлларини силтаб юришга йўл қўймайди... Ана шу сипойилик, вазминлик белгилари унинг аҳлоқий "Мен"-ининг намоён бўлишида ҳам кўриниб туради. Кўпчилик қизларда ўз таассуротларини нафис ҳаракатлар орқали билдириш баъзи ҳолларда юксак маҳорат даражасига кўтарилган". Ўзбек оилаларидаги қизларни миллий тарбиялашнинг намунавий мисоллари сифатида Абдулла Қодирий тавсифидаги Кумуш ва Раъноларни келтиришнинг ўзи кифоя.

МАРОСИМЛАР БИРЛИККА УНДАЙДИ

Ўзбек халқи кўплаб маросимлар яратди. Маъракаларнинг тарбиявий имкониятлари уларда қатнашувчиларнинг турли ёшдаги ижтимоий, касбий гуруҳлардан ташкил топиши; мулоқотлардаги ихтиёрийлик (бир-бирига бевосита боғлиқ эмаслик) эркинлик, ёши улуғ, муҳтарам кишиларга нисбатан ҳурматнинг яққол намоён бўлиб туриши, мулоқот мавзуларининг ранг-баранглиги каби хусусиятларида намоён бўлади. Бу хусусиятлар авлодлар (ёшлар ва кексалар) бирлигини — миллий бирликни мустаҳкамлайди, маҳалласи, қишлоғидаги кишилар тўғрисида тасаввурларини кенгайтиради, Ватан туйғусини шакллантириш, авлодлар орасидаги узвийликни ташкил этувчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Масалан, миллий маданият кўрсаткичларидан бири — мотам маросимлари собиқ шўро тизимидаги "реакцион, диний маросим" деган даҳрий муносабат туфайли тарбиячилар назаридан четда қолиб келди. Ўлим — ҳақ, мотам маросими — суннат экан, уларга муносабат ўзгартирилиши керак. Чунки,

Эй дўст, ибрат олувчи кўз бўлса сенда,
Қўшни ўлими ёрқин мисол-ку бунда.
(Ҳусайн Воиз Кошифий)

Мотам маросимлари барчага ота-она қадрига вақтни ўтказмасдан, ўз вақтида етиш кераклигига, уларни ранжитмасликка, қариганда таянч бўлишга, ўзининг ва бировлар умрини қадрлашга ундовчи воситалигини тан олмоқ керак. Қолаверса, ўсмирлар маросимларда қатнашиб, бировларнинг кўнглини овлаши, таъзияга боришнинг миллий одоби: кам гапириш, ортиқча фарёд қилмаслик, бемаъни гаплар гапирмаслик, мотам эгасига сабру қаноат тилаш, қўлидан келгунча ёрдам бериш мактабини кўрганлар, ўрганганлар.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг асрлар давомида "ҳаёт дарси"дан тўплаган бой тажрибаси қаймоғи кўплаб мақолларда ўз аксини топди. "Ҳар гулнинг ўз иси бор, ҳар элнинг ўз туси бор" деганларидек, мақолларимиз ўзбек боласининг қандай киши бўлиши ва қандай киши бўлмаслиги кераклиги ҳақида ибрат ва ўрнаклар жамланган маънавий меросдир.

ДАРАХТ БОҚИЙЛИГИ ИЛДИЗИГА БОҒЛИҚ

Мустамлакалик йилларидаги илмий, иқтисодий, педагогик турғунлик ўзбек миллати ҳаётида нималарда акс этди? Энг аввало миллий ўзликни англашнинг, миллий ташаббускорликнинг, миллатдаги яратувчилик қувватининг анча сўндирилганлигида, илм-фан жабҳаларида орқада қолишда намоён бўлди. Бу ҳақда Исҳоқхон Ибрат (1862-1937) шундай ёзган эди: "... Илмия тўғрисида биз халқда чандони аҳамияти йўқ, таназзулда турур, бўлак фирқаларни илмдан топган даража ва маданиятларини кўруб туруб, ҳеч ҳаракат қилмайдурлар. Илмни асоси маишат эканин таҳқиқ ила билганлари йўқ! Бу сабабдин омилари кўб, ишларинда аҳамият йўқ, таваккул илан қоринлари тўқ!... Авлодлари ўйин-кулгига машғул... Шояд мундин буён саодат ва фазилат қадрин билсалар!" Истанбул, София, Афина, Рим, Қобул, Жидда, Бомбай, Калкутта шаҳарларида бўлиб, яшаб, араб, форс, инглиз, ҳинд, урду тилларини билган Ибрат мавжуд аҳволни тузатиш мақсадида Тўрақўрғонда янгича усулда 1907 йилда мактаб, босмахона очган эди. Араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган луғат, юнон, славян, хитой, ҳинд, араб ёзувларининг келиб чиқиши ҳақида "Жомеъ ул-хаттут", "Тарихи Фарғона" (1916), "Тарихи маданият" (1925) каби илмий асарларини чоп этди. Ибрат — ўлкамиз тарихида ёрқин из қолдирган миллий-озодлик, замонавийликни шиор қилиб олган маърифатпарварларнинг типик вакили эди.

Тарбия орқали миллий янгиланиш, замонавийлашиш ғояси Туркистонда XIX аср охирида миллий-маърифий кураш шаклида намоён бўлди. Бу ҳаракатнинг мақсади янги усулда таълим-тарбияни Оврупа цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Оврупа цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттиришнинг бир ифодаси эди. Туркистонлик маърифатпарварлар ватаннинг истиқлолга эришиш шартини аввало ёш авлодни замоннинг Оврупа илмлари даражасида ўқитишда ва миллий тарбиялашда деб билдилар. Ана шу мақсадда Фарғона водийсида, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида "Усул-и жадид" (янгича усулдаги) мактаблари очилди.

Бироқ, Туркистонда бу ҳаракатга барҳам берилди. Бунга сабаб бир томондан, уларнинг мақсадини тўғри тушуна олмаган Бухоро амири, иккинчи томондан маърифатпарварлардан инқилобий ҳаракат, дея чўчиган чор Русия амалдорлари бўлсалар, учинчидан, буни ислом динига душман бир ҳаракат деб тушунган, унинг асл моҳиятини англашни истамаган ақидапараст диндорлар эди. Диний ақидапарастлар ёшларни миллий замонавий тарбия йўли билан мустамлакачиликдан озод қилиш мақсадига интилган — Мулла Нафас, Зинҳорий, Авлиёқули, Мискин, Ибрат, Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Зоҳирий, Тавалло, Завқий, Чўлпон, Аваз Ўтар, Авлоний, Ҳамза, Айний, Қодирий ва бошқа маърифатпарварларни кофир деб эълон қилдилар. Бу ҳақда Фитрат: "... Ё раббий, қўлдан кетган маданиятимизни тиклашга ҳаракат қилган уламоларимиз "кофир бўлдинг" деб, бизни йўқ қилиш пайига тушадилар", -деган эди. Ваҳоланки, маърифатпарварлар — ўзбек миллий маданияти, таълим-тарбияни ривожлантиришнинг йўлида заҳмат чеккан, унинг ривожига чора қидирган миллатпарварлар эдилар,

Ҳар кун ўлурам шомгача ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас бу мени аҳволима воқиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор.
(А.Авлоний)

Худога шукрки, ташқаридан кўрсатилган ҳарбий, сиёсий, мафкуравий хуружлар: эрон, араб, мўғул, Чор Русияси ва совет даврлари ўз изларини қолдирган бўлсада, ўзбек халқи ўзининг тилини — ўзлигини сақлаб қолди.

Ўзбек халқ миллий тарбиясининг юқорида келтирилган қисқа тарихи ҳам бизга қуйидаги педагогик хулосалар ясашнинг имконини беради:

— ўзбек халқ миллий тарбияси тарихи ўзбек уруғлари тарбиявий тизимларининг тадрижий умумлашуви, ривожланишининг тарихи демакдир;

— миллий тарбия нуқтаи-назаридан инсоннинг қандайлиги ундаги фикр, сўз ва иш бирлигига таянувчи учлик асосида баҳоланган;

— Ислом дини Ўрта Осиё халқларининг миллатлараро мулоқот маданиятининг умумий манбаи, умуминсонийликка ва бирлашишга йўналтирувчи тарбиявий омил вазифасини бажарди ва бажармоқда;

— "халқ педагогикаси", "этнопедагогика" илмий-педагогик йўналишлари янги тарихий, миллий-мустақиллик шароитида "миллий педагогика"нинг таркибига киритилиши, ҳамда миллий тарбия миллий педагогиканинг предмети сифатида талқин қилинмоғи керак.

Собиқ совет педагогикаси томонидан тарбиянинг объектив миллий хусусияти инкор қилинди. Натижада "Ўзбекистон ватанпарварлиги", "миллий ғурурлилик", "виждонийлик", "иймонлилик", "миллий одоблилик" тушунчалари илмий-педагогик нуқтаи-назардан ўрганилмади, ўқувчиларда шакллантирилмади.

Ўзбекистон мустақиллиқка эришгач, шахс, миллат ва давлат манфаатлари бирлашди.

МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ҚУВВАТ

Тошкент автомобиль йўллари институтида "Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч" мавзусида республика илмий-услубий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда виждон эркинлиги, ижтимоий тараққиётда миллий ғоя ва истиқлол мафкурасининг ўрни ҳамда мафкуравий тарбия масалалари кун тартибидан ўрин олди. Шунингдек, ёшларда соғлом эътиқодни шакллантиришнинг психологик омиллари, миллий мафкурани шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва бошқа масалалар бўйича бўлиб ўтган қизғин муҳокама ва мунозаралар иштирокчиларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон яратди.

Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни, унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш каби жиддий масалаларнинг кун тартибига қўйилганлиги бежиз эмас. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснитдинов одамларни, авваломбор, ёшларни бегона мафкура тазйиқларидан ҳимоя қилиш керак эканлигини айтиб ўтди.

Tadbir

Миллий мафкурани яратиш узоқ йиллар керак бўлади. У бир кунда дунёга келмайди. Бу борада семинар қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими, фалсафа фанлари номзоди, доцент А.Очилдиев шундай деди:

—Миллий мафкурани яратишда миллий табиатимизга хос бўлган — меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва орномус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби фазилатларга таянмоғимиз керак. Шундагина, биз яратажак мафкура энг кучли, ўзимизга хос ва мос бўлади ва мафкура курашларида ҳам асосий қуролимиз бўла олади.

Ёшлар онгини заҳарловчи, ҳақ йўлидан адаштирувчи диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастлик каби таҳдидлар нафақат ёшлар, балки бутун инсоният онгига, қалбига қабоҳат уруғини сочиб, ўзларига ўхшаган манқуртларга айлантирмоқчи эканлиги бугун барчамизга аён бўлиб қолди. Уларнинг мақсади эса шаҳар марказларида портлашлар содир қилиб, халқни қўрқитиш, одамлар орасида ваҳима уйғотиш орқали ҳукуматни обрўсизлантириш, иқтисодни заифлаштириб, ҳокимият тепасига эришишдир. Аммо мустаҳкам эътиқодга, метин иродага, кучли мафкурага эга бўлган давлатга ҳеч қандай ёвузлик чанг сола олмайди. Зеро башарият нурга, нурли истиқболга эзгулик йўлидан интилаверади. Мафкура эса жамият учун сиёсий, маънавий-руҳий куч берувчи пойдевордир.

Эркин МИРЗАЯШЕВ,
Ирода ҲОЖИҚУЛОВА

"УМИД РЕСПУБЛИКАСИ" КУНЛАРИ

Тошкентда мамлакатимиз юқори синф ўқувчиларининг "Умид республикаси" кунлари ниҳоясига етди.

— Мазкур республиканинг қонунлар тўпламида ўн икки кун давомида ҳуқуқ ва иқтисод лагерида ўқувчилар амалга ошириши керак бўлган барча режалар кўрсатилган, — деди Тошкент ижтимоий маърифат маркази директори Муборак Тошпўлатова "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. — Улар шу режага мувофиқ ўз президенти ва бошқа бошқарув органларини сайлашди. Шу асосда ўз республикаларини идора қилишди.

Бу ерда ёшлар ўз демократик жамиятини яратиш орқали демократик тамойилларни ўргандилар. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат қонунларига бўлган ижобий муносабатлари шакланди. Фаол ҳаётий дунёқарашни яратиш, раҳбарлик салоҳияти ва жамоада ишлаш малакасини яратиш, ривожлантириш масалалари ҳақида ёшларда кўникмалар уйғонди.

"Умид республикаси" лагерида Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 400 нафарга яқин юқори синф ўқувчилари ва 60 нафарга яқин ўқитувчилар иштирок этишди.

"Туркистон-пресс"

ЭЛЧИХОНА ЭЪТИБОРИ

Байрам, шоду хуррамлик кунлари кўнгли ўксик кишиларни зиёрат қилиш, уларнинг ҳолларидан хабар олиш, баҳоли қудрат меҳр-мурувват кўрсатиш ҳақиқий инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Республикамиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, унинг фан ва таълим маркази, Тошкент Ислом университети ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Бўка туманида жойлашган 15-Меҳрибонлик уйида тарбия топаётганлар ҳузурида бўлишди. Улуғ байрам ва янги ўқув йили билан қутлаб, уларга ўзига хос совға-салом, пул мукофотлари топширдилар. Бу саховатпеша ташкилотлар вакилларига туман ва Меҳрибонлик уйи масъуллари мазкур инсонпарварлик ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқий, элчихона бундай хайрли ишларни мунтазам ўтказиб келаётгани, ўтган йили Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг расмлар кўргазмаси уюштирилиб, унда Республиканинг барча вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларининг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг бу борадаги маҳоратларини намойиш этишгани, улар ичида ўта иқтидорли ёшлар кўплигидан жуда тўлқинланган ҳақида гапирди. У сўзининг охирида келажакда бу Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари орасидан ҳам ўз юрти ва халқига муносиб хизмат кўрсатадиган йирик мутахассислар, олиму фозил маданият ва фан арбоблари етишиб чиқишига умид билдирди. Меҳрибонлик уйи ўқувчилари тайёрлаган ранг-баранг концерт дастурлари орасида элчихона келтирган совға-салом ва эсдалик совғалари берилди. Бу сафар Меҳрибонлик уйига ўзига хос асбоб-анжомлар ҳам тақдим этилдики, улар бу ерда хазмат қилаётганларнинг оғирини енгил қилади. Совғалар ичида энг замонавий музлатгич, катта қувватга эга электр қозони, турли-туман идиш-товоқ ва кундалик рўзғор буюмлари бор эди. Айни чоғда «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 150 га яқин ўқувчининг ҳар бирига муайян миқдорда пул мукофоти ҳам байрам совғаси сифатида тақдим этилди.

Saxovat

Мухбиримиз

ГРАНАДАЛИКЛАР УНИВЕРСИТЕТДА

Қадрдонлар учрашганда, қўл бериб эмас, қучоқлашиб кўришади. Ва бу табиий ҳол. Бугун дунёнинг бошқа бир қитъасидан келган кишилар ўзбеклар билан худди шундай дийдорлашмоқда.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Гранада университети ўртасидаги битим 1997 йилда имзоланган. Қисқа муддат ичида испанияликлар билан ўзбекистонликларнинг муносабатлари ғоятда яқинлашиб кетди. Жаҳон тиллари университетида испан тили ва маданияти маркази таркиб топди. Гранадаликлар бу ерга компьютер, телевизор, аудиовидео магнитофони ва кўплаб испан тилидаги дарсликлар, луғатлар, ўқув қўлланмалари ҳадя этишди. Бундан ташқари университет марказни энг замонавий техник жиҳозлар билан таъминлашга маблағ ажратмоқчи.

Xalqaro hamkorlik

Томонлар "Тасис-Темпус" дастури доирасида Европа Қўшма лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, университет учун ризограф олинди.

... Ўтган куни мазкур университет ректори Лоренсо Мориййас Куэва, шу даргоҳ проректорлари Франсиско Гонсалес, Рафаэл Гусман, ўқитувчи Хелча Корслар ўз ҳамкорлари билан учрашдилар. ЎзДЖТУ ректори Ж.Бўронов қабулидан сўнг меҳмонлар испан тилини ўқитишнинг ҳолати, испан тили ва маданияти марказининг фаолияти билан танишдилар. Бу тилни мукаммал ўрганишга аҳд қилган ўзбек талабалари ва мураббийлари учун табиийки, бу учрашув кўп ва хўп маъқул тушди.

Дарвоқе, бундай учрашувларнинг бўлгани яхши. Зеро, бундан иккала томонга ҳам манфаат бор.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

СУВНИ ТЕЖАШ ВА СОФ САҚЛАШДА ЎҚУВЧИНИНГ ЎРНИ

Маълумингизким, Оролни асраш халқаро жамғармаси GEF Агентлиги Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Мен - Отам - Бобом (Мен - Онам - Момом) - сувнинг аҳамияти ҳақида" мавзуида иншолар танловини ўтказмоқда. Унда Ўзбекистонда етти тилда таълим олаётган 5-11 синф ўқувчилари иштирок этадилар. "Маърифат" газетаси бу танловни ўтказиш тартибларини эълон қилди. Бироқ бу ҳақда янада кенгроқ ахборот олиш мақсадида Оролни асраш халқаро жамғармаси GEF Агентлиги Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи раҳбари, академик Бахтиёр НАЗАРОВни суҳбатга чорладик.

— Ҳурматли Бахтиёр ака, мутахассисларнинг таъкидлашларича мавжуд ер ости ва устидаги фойдаланилаётган сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига, 6 фоизи саноатга, қолган 4 фоизи маиший-коммунал хўжалигига сарфланар экан. Сиртдан қараганда бу жараёнда ўқувчиларнинг иштироки йўқдек туюлади. Сувни тежаш ва тоза асрашда уларнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз? Қолаверса, иншо танловидан қандай мақсад кўзланган?

— Ўқувчилар сувдан ҳозир деҳқонлар каби фаол фойдаланувчилар бўлмасалар-да, қишлоқ хўжалигидаги, сиз айтаётган, 90 фоиз сув эртага уларнинг қўлига ўта бошлайди. Шу боис уларда сувга нисбатан онгли ва оқил муносабатда бўлишни, уни тежаш ва тоза сақлашни болаликларидан тарбиялаш лозим. Шунингдек, уларга Орол муаммоси ва уни келтириб чиқарган сабабларни тушунтириш, сувнинг ифлосланиши ва исроф бўлишининг олдини олишда ҳар бир шахснинг ҳиссаси бўлишини кўрсатиш, келажак авлодларга Она-Ватаннинг гўзал табиатини қолдириш учун ўқувчиларда масъулият ҳиссини тарбиялаш ҳам бизнинг вазифамизга киради. Шу билан бирга ўқувчилар орқали асосий сувдан фойдаланувчилар - уларнинг ота-оналарига таъсир ўтказиш ҳам асосий мақсадимиз ҳисобланади. Ахир иншолар танловининг номланишига эътибор беринг: "Мен - Отам - Бобом (Мен - Онам - Момом) - сувнинг аҳамияти ҳақида". Ўғил болалар отаси ва бобосининг, қиз болалар онаси ва момосининг кўмагида иншо ёзади. Яъни, улар катталарга савол бериб асосий сувдан фойдаланувчиларни яна бир бор ҳушёрликка чорлайдилар. Ота ўғлининг иншосини ёзишга ёрдам бераётиб: "Мен ўзим сувни тежаяпманми", дея савол беради ва бу савол ўз ҳаракатларига танқидий нуқтаи назардан баҳо беришга мажбур қилади. Бобоси бўлса, отабоболардан қолган урф-одатлар, анъаналар, удумлар, мақолларнинг мағзини набирамга сўзлаб берганманми, дея ўзини ҳушёрликка чорлайди.

— Ота-боболар ҳақида гапирдингиз. Иншо ёзишда улардан қолган меросдан фойдаланиш ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, биз бу жиҳатга алоҳида эътибор бермоғимиз зарур. Азалдан халқимиз сувни эъзозлаб келган. Эъзозламаган фуқаро қаттиқ жазоланган. Дейлик, исломдан аввал зардўштийлик динида тақари, мақсад — ўқувчиларда сувга муносабатда дунё халқларининг ижобий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда иш кўришга, яшашга ўргатиш.

Мазкур жараён ўқувчиларни ўйлашга, мустақил фикрлашга, таҳлил қилиш ва фикрларни қоғозга кўчириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу ҳам танловнинг асосий мақсадларидан биридир.

Иншода сувнинг тирик мавжудот, хусусан, инсон ҳаётининг манбаи эканлиги, сувни ифлос ва исроф қилмаслик ҳар бир кишининг азалдан инсоний бурчи бўлганлиги, ҳар бир киши ўз фаолиятида бу қоидага амал қилиши лозимлиги ҳаётдан олинган мисоллар, тарихдан қолган турли воқеа - ҳодисалар тафсилотлари, эртак, мақол ва ўгитлар воситасида тасвирланади. Дунё миқёсида сувга муносабатларнинг салбий ёки ижобий жиҳатларини ҳам далиллар орқали қиёслаш иншони янада бойитади.

Suvsiz hayot bo'lmas

— Иншо ёзиш тартиби ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мавзу болага ўқитувчи томонидан тушунтирилиб, иншо мустақил иш сифатида уч кун мобайнида ёзиб топшириш учун уйга вазифа қилиб берилади. Иншо учун зарур бўлган далил ва маълумотларни, эртак, мақол, ўгитларни юқорида айтганимиздек, ўқувчилар ота, бобо, она ва момолардан сўраб, ёрдам олади ва ўзининг мустақил фикри, тушунчаси ва услуби бўйича ўзи ёзади. Ота-боболар, она-момоларнинг иштироки иншоларнинг ўзига хос чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўқувчи, ўз навбатида, иншо охирида ўз исми, шарифи, тумани, мактабининг рақамини ёзиш билан бирга отаси ва бобосининг, онаси ва момосининг исм-шарифларини ҳам ёзиб қўйиши мумкин.

— Иншони баҳолаш тартиби қандай?

— Иншони баҳолашда она тили ва адабиёт, биология ва география фанидан сабоқ берадиган малакали, холис ўқитувчиларни жалб этиш тавсия қилинади.

Бунда мақсаднинг тўғри қўйилганлиги учун 0 - 10 баллгача; сувнинг аҳамиятини очиб беришда, сувни исроф ва ифлос қилмаслик бобида боболардан-момолардан қолган ўгит, мақол, эртаклардан унумли фойдаланганлиги учун 0 - 10 баллгача; сувни ифлосланишдан асраш ва исроф қилмаслик муаммосини ҳал этишда дунё тажрибасини мисол келтириш, шунингдек бу борада ўз ғоясини, мустақил фикрини, лойиҳасини тасвирлаш 0 - 10 баллгача; имловий ва услубий хатоларига қараб 0 - 10 баллгача; иншони ёзишда тил имкониятларидан унумли фойдаланиши ва бадиийлигига кўра 0 - 10 баллгача, жами 0 - 50 баллгача баҳолаш мумкин.

Баҳолаш комиссияси камида беш кишидан иборат бўлиб, мактабда мактаб директорининг, туманда туман ХТБ мудирининг, вилоятда вилоят ХТБ бошлиғининг махсус буйруғи билан тасдиқланади. Республика босқичида эса Халқ таълими вазирлиги ва ОҚХЖ GEF Агентлиги Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳининг қўшма буйруғига кўра тузилади.

— Голибларни қандай мукофотлар кутмоқда?

— Голибларни мукофотлаш ва улар иштирокида семинар-конференция декабрь ойида Тошкентда ўтказилади. Унда учта биринчи ўрин, учта иккинчи ўрин, учта учинчи ўрин ва рағбатлантирувчи ўринлар учун вазирликнинг дипломлари, GEF Агентлигининг пул мукофотлари ҳамда совғалари топширилади. Республика босқичида қатнашган иншолар алоҳида китобча сифатида GEF Агентлиги томонидан чоп этилади. Айни вақтда, вилоят ва туман ғолибларининг иншоларини вилоят ва туманлардаги маҳаллий газеталарда чоп этиш назарда тутилади.

Яна бир яхши хабар. Халқаро Гёте институти Республика босқичидаги ғолибни Олмонияга саёҳат учун жўнатишни мўлжаллаяпти.

Инсон ҳаётида 3 та ҳолат бўлади. Биринчиси уйқу, иккинчиси мудраш, учинчиси портал юрак ишлаганда ўлик ҳолатга келиш.

Табиатнинг бу мўъжизаси бир кунда 200 км масофагача учиш қобилиятига эга ва адашмасдан ўзининг қадрдон гўшасини топиб кела олади.

ЯПОНЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МЕЪМОР

Faxr

Токиода ўтган "Шарқ шамоли-2000" форуми иштирокчиси, ургутлик Дилшод Мирзаевнинг лойиҳаси японялик меъморлар томонидан муносиб баҳоланди.

Ушбу сафар тафсилотлари хусусида иқтидорли меъмор Дилшод Мирзаев қуйидагиларни гапириб берди.

— 1995 йилда Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институтида ишлардим. Ўша пайтларда японялик ҳамда москвалик мутахассислар XX аср меъморлари ҳақида маълумот тўплаш учун институтимизга келишганди. Ўшанда мен уларга ўзимнинг лойиҳаларимдан айримларини тақдим қилдим. Орадан беш ой ўтиб, Японияда чоп этилган "Дунёнинг 581 меъмори" деган китоб-каталог қўлимга келиб тушди. Рўйхатга ўзбекистонлик меъморлардан Валерий Акобжанян, Серго Сутягин, Азамат Тўхтаев ҳамда менинг номим киритилибди.

Японияликлар нима сабабдан ушбу анжуманга таклиф қилишди?

Бу саволни мен ҳам японияликларга бергандим. Маълум бўлишича, улардаги меъморчилик санъати кейинги пайтларда Ғарбга "оғиб" кетган экан. Мен тақдим этган лойиҳаларда Шарқ анъаналари услублари асл ҳолича сақлаб қолинган эди. Шу сабаб бўлиб форум иштирокчилари "Асллигини, ўзлигини йўқотмаган меъмор" сифатида мени таклиф қилишибди.

"Шарқ шамоли - 2000" форумининг мақсади ҳам Япония меъморчилигида Шарқ анъаналарини қайта тиклашдан иборат эди. Уларнинг фикрича. XXI асрда Ғарбга нисбатан Шарқда меъморчилик бобида ўсиш-ўзгариш бўлади.

—Форумда нечта давлатдан меъморлар қатнашди?

—Филиппин, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Ҳиндистон, Корея, Хитой, Япония сингари жами 12 та давлатдан меъморлар қатнашди. Форумнинг биринчи кунида ҳар бир меъмор ўзининг ижодий ишлари бўйича маъруза қилди. Иккинчи куни эса Токиога бағишлаб яратган лойиҳаларимизни намойиш этдик. Бунда Европа ва Америкадан келган танқидчилар, мутахассислар қатнашдилар. Бажарилган ишлар бўйича муҳокама бўлди. Шу лойиҳалар жамланган китоб чоп этилиб, дунё бўйича тарқатилди.

Мен Токио қўлтиғида чиқитлардан барпо этилган оролча устида иш олиб бордим. Оролча шаҳарга Япон денгизидан кириладиган дарвоза ҳисобланар экан. Лойиҳамда Токионинг умумий кўриниши ҳамда гўзал, шинам манзараларини акс эттиришга ҳаракат қилдим. Унда шарқона шаҳарсозликнинг энг замонавий талаблари ва албатта, Японияннинг шарт-шароити ҳамда иқлими ҳисобга олинди. Лойиҳам японияликларга манзур бўлди.

—Япониядан олган тассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

—Мен ўзимни таништирганимданоқ, улар Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ҳақида гапира кетишди. Японларнинг тарихимизни жуда яхши билиши мени ҳайратга солди. Амур Темур, Улуғбек каби аждодларимиз ҳақида узоқ гапиришди. Билмаган нарсалари ҳақида сўрашди. Шубҳасиз, кўпроқ Ўзбекистондаги меъморий обидалар тўғрисида суҳбат қурдик.

"Туркистон-пресс"

Ko'ngil bitiklari

СУКУТДАН ИЗЛАДИМ ЎЗИМНИ

Насиба РУСТАМОВА — 1974 йили Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани "Бирлашган" жамоа хўжалигида туғилган.

1996 йилда Гулистон Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

Айни вақтда Сайхунобод туманидаги 3-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бермоқда.

"Ижодкор ўқитувчи" кўкрак нишони совриндори.

БИР ТОНГ КЕЛАР...

Бир тонг келар, мен кутган ул тонг,
Бир тонг келар ҳарир пардали.
Нигоҳлари қучар танамни,
Борлиғимни маҳв этар ул тонг.
Ҳаёт отлиғ сўнгсиз бир жарлик,
Умр толди сени яшашдан.
Афсус қолди мунглиғ боладек,
Бахт йўқолди жарлик қаърида.
Ҳансирар, ҳансирар, ҳансирар,
Сўнгги манзил қўлсиз, оёқсиз,
Талпинар, талпинар, талпинар,
Дунё дунё эмас қўлтиқтаёқсиз.
Гулларим кўзидан оққан ёш,
Ё раббим, қон бўлди танамда.
Етмади нигоҳим ўқлари,
Сўзларим етмади сабабсиз.
Ҳаммаси тугади чамамда.
Ҳаммаси бошланди бошидан.
Шафқатсиз жаллоднинг зарбидек,
Меҳрнинг ичидан, тошидан
Изладим сукутнинг СЎЗИНИ.
Сукутдан изладим ЎЗИМНИ.
Топмадим, топмадим, топмадим,
Қувончнинг йўлига чопмадим.
Очмадим кўзларин умиднинг,
Умиднинг кўзларин ёпмадим.

***

Қадам келар дуп-дуп. Хушхабар,
Пешвоз чиқар қадрдон эшик.
Мўралайди киприк-соқчилар,
Бедор турар беллари эгик.

Юрак тепар: дук-дук. Бетиним,
Қазо қилар чарчоқ ҳислари,
Димоққа урилар дафъатан,
Таниш тамакининг ислари.

Чимрилади соқов гиналар,
Салом бермас шубҳа зотига.
Аламини аразга ўраб,
Қамчи урар уйқу отига.

Гуноҳкор, забардаст билаклар,
Гулларни қучмоққа шайланар.
Дол қилиб соғинчнинг қаддини
Вужуд гулдастага айланар.

Xullas...

ҲАЗИЛХОНАДАГИ РОСТАКАМ ЁНҒИН

Истироҳат боғларида очиб қўйилган қўрқув хоналарига кирганда, васваса таъсирида қоласиз. Шундай бўлса-ку майли-я, фожиа рўй беришидан худо асрасин!

Оренбург шаҳридаги аттракционга ташриф буюрган дам олувчилар қўрқув хонасига кириб, бир лаҳзалик ҳиссий ҳолат билан кифояланмадилар.

Қоп-қоронғи хонада қуюқ тутун кўтарилганда, ичкарига кирганлар буни табиий ҳол деб қабул қилишди. Бир пайт ловуллаб олов ўрлади! Ва томошабинлар кўзлари косасидан чиққудек ташқарига отилишди. Яхшиямки, ҳеч ким жабрланмади. Бу — нохуш воқеалардан иккинчиси. Ўтган йили ҳам тўрт оёқли аттракционлардан бири тўхтаб қолганида, қутқарувчиларни чақиришга мажбур бўлган эдилар.

Завқ бериш ўрнига қўрқувга соладиган бундай хоналарни эҳтимол мутлақо ёпиб қўйиш керакдир...

КИМДИР ҚУТУЛОЛМАЙ, КИМДИР КЎПАЙТИРА ОЛМАЙ ОВОРА

Павлодар вилоятида чигирткани янги тури пайдо бўлди. Кўриб, ё астағфирилло, дея ёқа ушлайсиз! Чунки у бошқа чигирткалар сингари жимитдек эмас, нақ чумчуқнинг ўзи! Гўёки оддий "қариндоши"нинг етти карра катталашгани. Қанотлари 12 сантиметрча бор, лоф эмас, ишонинг.

Табиатнинг бу мўъжизаси бир кунда 200 км масофагача учиш қобилиятига эга ва адашмасдан ўзининг қадрдон гўшасини топиб кела олади.

Павлодарлик зоологлар бу жонзотни кўпайтириш хусусида бош қотиришмоқда.

СЎРОВДА ҲАЙДОВЧИЛАР ҚАТНАШМАГАН БЎЛСА КЕРАК...

Италияда кишини маст қилувчи ичимликларни деярли ичишмас экан. Бу мамлакатда кўпинча вино, у ҳам белгиланган миқдорда истеъмол қилинаркан. Аммо статистик маълумотлар бу фактни рад этмоқда.

Рулда ўтирган ҳар ўн ҳайдовчидан бирининг қони таркибида алкоголь борлиги аниқланган. Кейинги ўн йилликда Апенин шаҳри аҳолиси ўртасида май таъсири билан боғлиқ 300 мингта автомобиль ҳалокати рўй берибди. Аҳоли ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ, кўпчилик итальянлар ўзига нисбатан ишончсизликдан, ёлғизлик изтиробидан ва ҳаётдан ихлоси қайтгани боис ичишади. Вино миқдори эса Италияда одам бошига 58 литрдан тўғри келмоқда.

Демак, итальянларнинг ичкиликни ўзларига "душман" деб билишлари ҳақидаги фикрлар ёлғон экан-да... Ва бу яхши эмас.

ana shunaqa gaplar...

Sport

"ЮНУСОБОД" ЧОРЛАЙДИ

Муҳташам "Юнусобод" спорт мажмуи 9-17 сентябрь кунлари дунё нигоҳини яна ўзига мафтун этади. "Ўзбекистон Президенти кубоги" VII халқаро турнири бу йил ҳам теннис осмонида ёрқин чарақлаётган юлдузлару уларнинг ҳақиқий мухлисларини юксак савияда хушнуд этишга тайёр. Ташкилотчилар сўнгги тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

ПОЛВОНЛАР ФАРҒОНАДА

Шу йил 3-5 сентябрь кунлари Фарғона шаҳрида Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган "Белбоғли кураш" бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда маҳаллий полвонларимиз билан бир қаторда 10га яқин мамлакатларнинг 73, 90, 100 ва ундан ортиқ вазн тоифасидаги полвонлари майдонда куч синашди.

ЗИДАН — ЭНГ МАШҲУР...

Парижда нашр этиладиган "Журнал дю Диманш" газетаси ўз мухлислари фикрига асосланиб мамлакатнинг энг машҳур кишилари рўйхатини ҳар йили эълон қилиб боради. Рўйхатнинг бу йилги таркибига кўра атоқли футбол юлдузи — Зинадин Зидан 1-рақамли машҳур киши дея эътироф этилди.

ЧЕМПИОН ЯНГИЛАНАДИ... МИ?

Ўтган йилги чемпион — "Дўстлик" клуби бу йилги мавсумда ҳам мамлакат биринчилигини тасодиф қўлга киритмаганлигини исботламоқда. Жамоа гарчи олий лига жадвалини бошқараётган бўлса-да, "Самарқанд-Д", "Насаф" ва "Нефтчи" футболчиларининг имкониятлари ҳам мухлислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

ТАШАББУС, РАҒБАТ

Оққўрғон ФМДП ташаббуси билан 14-16 ёшли болалар ўртасида маҳаллараро футбол турнирига старт берилди. Турнирнинг финал босқичи 15 сентябрь куни "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" фестивалидан олдин бўлиб ўтади ва ғолиблар ҳомийларнинг махсус совғаларига эга бўлади.

maydonchasi

ҚИММАТЛИ КЎРГАЗМА

Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежида янги ноёб кўргазма ташкил қилинди. Унда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллидан буён Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ва оламшумул ишлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Иқтисодиёт, маданият, халқ таълими, транспорт, энергетика, саноат ва бошқа тармоқлар бўйича эришилган ютуқлар алоҳида лавҳаларда акс эттирилган. Ўзбекистон аҳолиси, табиати, қазилма бойликлари ҳақида энг сўнгги маълумотлар берилади. Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, академик лицейлар, мактабгача таълим муассасалари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Эстетик дид билан безатилган бу қимматли кўргазма коллежнинг мажлислар залида жойлашган. Ундан бутун жамоа ва бу ерга ташриф буюрганлар баҳраманд бўлиб, мамлакатимиз ҳақидаги билимларини ошириб, тафаккур ва тушунчаларини бойитмоқдалар.

М.САМАНДАРОВ
коллеж ўқитувчиси

QUTLOV!

Муҳтарама Тамара ТАДЖИБАЕВА!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан қутлар эканмиз, ўттиз йиллик педагогик фаолиятингиз, Миробод туманидаги 214-мактабда жамоага ибрат бўлиб кечирган ҳаётингизни ҳамиша касбдошлару шогирдларингиз ардоғида бўлажагини изҳор этамиз. Оилангиз ва яқинларингиз бахтига доимо соғ бўлинг. Энг яхши кунларимизда биз билан бўлинг.

Эҳтиром ила ҳамкасбларингиз.

G'aroyib hodisalar

ЗОМБИ СИРИ ЕЧИЛГАНМИ?

1731 йил Франциянинг мустамлакаси булмиш Гаитига ярим миллиондан ошиқ қора қуллар келтирилди. Бу қуллар орасида Африкадаги турли қабилалар сардорлари ҳамда кучли жодугарлар, сеҳргарлар ҳам бор эди. Бу одамлар ўз юртида ҳеч қандай қамоқхона, судларсиз эркин ҳаёт кечиришган, яъни цивилизация қонун-қоидалари уларга тўғри келмасди. Шунинг учун улар ерли ҳукмдорларни қўрқитиш мақсадида табиатдаги энг ноёб ҳодиса — зомби усулини ишлатдилар. Яъни улар кераксиз одамни тўсатдан ўлдиришиб, уни ўзларининг урф-одатлари бўйича кўмишар эди. Бир неча кундан кейин ўлик қазиб олиниб, тирилтириш урф-одатларидан кейин у тирилар эди. Шу пайтгача ҳам зомби сири ечилмаган. Унинг сабаблари эса номаълум.

Шу нарса маълумки, уладиган одам овқатига зомби кукуни сепилади ва у ҳаётдан кўз юмади. Бу улим табиий улимдан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Кукуннинг таркибини тетродотоксин ташкил қилади. У табиатда энг кучли заҳарли модда ҳисобланади. Бу заҳар Кариб денгизида яшайдиган балиқлардан олинади. Олимларни ҳайратга солиб, лол қолдирадиган ҳодиса бу — одамнинг юраги тўхтаб ҳеч қандай нафас олмасдан бир неча кун тупроқ остида ўлиб ётишидир.

Африкадан Гаитига ҳабашлар келтирилгандан кейин улар летаргия — узоқ вақт уйқуга кетиш усулини қўллашни бошладилар. Бу уйқу ҳеч қандай сабабсиз бир соҳиядаёқ содир бўлади. Машҳур АҚШ олими, шифокор Гарри Райт ўз кўзи билан кўриб турган шароитни шундай ҳикоя қилади: "Одамга қандайдир алколоид (азотли органик бирикмалар) ичиришди, кейин у гипноз қилингандай қотиб қолди ва гавдада ҳаёт намунаси йўқ бўлди. Бир неча соатлардан кейин ўлган одам ҳеч қандай дорисиз, қўлни тегизмай тирилтирилди. Менинг ақлимга сиғмаган бу воқеа кўз ўнгимда содир бўлгани учун ҳам инсоннят табиатдаги кўп сирларни билмасликларини англадим".

Одамнинг зомби ҳолатини Африка ҳабашлари, Жанубий Американинг Амазонка дарёси қирғоқларида яшовчи ерли халқлар ихтиро қилмай, балки бундан камида 3 минг йил илгари Ҳиндистон йоглари қўллашган. Улар ўзларининг нималарга қодир эканликларини, айниқса, томошабинлар орасида намойиш қилганлар. Бу ерда ҳеч қандай қўзбуямачилик ва бошқа алдамчилик усуллари мутлақо ишлатилмайди. Йоглар устида кўп вақт илмий тажрибалар, тадқиқотлар олиб борган олим Пире Жервис шундай эслайди: "Кўз олдимда тўсатдан бир соония вақт ҳам ўтмай, ҳеч қандай дори ичмай бир киши ўлик ҳолига келди. Унинг танасига ўрнатилган асбоблар экранда юрак уриши ритми тўғри чизиқни курсатарди, яъни юрак мутлақ тўхтаган эди. Мен таажжубга тушиб, лолу ҳайрон қолдим. Икки соатдан кейин, йог ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзига келди ва асбоблар юрак уришини кўрсатиб турди. Экранда олдин узун чизиқ ва кейин қийшиқ, паст-баланд чизиқлар пайдо булиб, секин-аста юрак уриш ритми нормал ҳолга келди».

Бизлар зомби холатини кўпинча дахшатли, қўрқинчли, ваҳимали фильмлар орқали кўриб биламиз ёки бўлмаса турли миш-мишларни эшитамиз. Олимларнинг бу соҳадаги фикрларига келсак, XVIII асрдаёқ Гаитида илмий тадқиқотлар олиб борган олим С.Грейснинг фикрича, одамнинг зомби ҳолатида портал юрак ишлайди, деган тахмин пайдо бўлди. Яъни инсон ҳаётида 3 та ҳолат булади. Биринчиси уйқу, иккинчиси мудраш, учинчиси портал юрак ишлаганда улик ҳолатга келиш, одам ўлди, кислород йўқ, лекин портал юракка кислород керак эмас. Чунки танадаги мушакларда қолган анаэроб гликолиздан кўплаб соат энергия заҳирасини ишлатиш мумкин экан. Лекин жаҳон тиббиёт фани тасдиқлаган тажрибалар шуни кўрсатадики, одам ўлгандан кейин 8—15 дақиқа ўтгач, мия фаолияти, унинг миллиардлаб ҳужайралари табиий сўниб боради. Бу эса одам тирилганда ҳам унинг фикрлаш қобилиятини секин-аста йўқотади деган хулосадир.

Биз келажакда инсондаги учинчи ҳолатнинг асл сабабларини ўрганишга, одамларнинг тубдан оммавий соғломлаштириш усул ва йўлларини топишига келажак ёш авлодларимиз, албатта эришади, деган умиддамиз.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Мактабгача таълим муассасаларида болаларда мурғаклик давриданоқ табиатга, жонзотларга меҳр уйғотиш мақсадида кичик ҳайвонот боғи ташкил этилаётир. Тарбиячилар ҳайвонот олами билан таништириш машғулотларини ана шу маскан — ҳайвонот боғида ўтмоқдалар.



Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат

THE OPEN SOCIETY INSTITUTE — UZBEKISTAN

is pleased to announce a contest for participation in the

Managing Effective Schools

training course

for managers and administrators in English language Education

The intensive one-week English Language Education training course will be held from 13 till 18 November.

Eligible candidates
- Language school directors
- English teachers holding managerial\administrative positions
- University\Institute Deans and Chairs of English Language Departments

Interested applicants should fill out Application Forms and attach

- reference from the work-place certifying the duration of employment
- resume
- statement of purpose written in English (not longer than 1 page)
- letter of recommendation
- essay in English "My school: Challenges and Achievements"

Applications should be submitted to the Open Society Institute

no later than 10 October

For **Application Forms** and additional information please contact OSI-Uzbekistan at:
31 Zarbog Street, Tashkent 700031 (near hotel *Rossia*).
Tel/fax: (371) 1206854, 1522741
E-mail: sayora@osi.uz, svetlana@osi.uz

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Ҳусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-817. Тиражи 19.037.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.